



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
QARORI

“29” январь 2021 у

Yaypan shahri 61 sonli

Ўзбекистон туман “Пахтақайнар ММПТ” худудида “Ўзбекистон тумани ёшлар кичик саноат зонаси”ни ташкил этиш учун ер майдони ажратиш ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси”га беминнат ўтказиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь кунги Олий Мажлисга мурожаатномасида белгиланган устивор вазифалар ҳамда Халқ Депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 19 октябр кунги VI-XIX/-93-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь кунги Олий Мажлисга мурожаатномасида белгиланган устивор вазифалар ҳамда Халқ Депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 19 октябр кунги VI-XIX/-93-сонли қарори маълумот ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

2. Туман ер танлаш ер ажратиш (реализация қилиш) комиссиясининг 29.01.2021 йилдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан белгилансинки

а) Ўзбекистон туман ҳокимлиги захирасида бўлган, “Пахтақайнар ММПТ” худуди 119к-контурдаги 10,0 га ер майдони “Ўзбекистон тумани ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил этиш учун ажратилсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4363-сонли қарорини ҳамда Фарғона вилоят ҳокимининг 26 октябр кунги 02-04/5193-сонли топшириқномасини туманда ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон туман ҳокимлиги захирасида бўлган, Товуш МФЙ Тинчлик қишлоғи худудидаги 10,0 га ер майдонини “Ўзбекистон тумани

ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил этилсин ва белгиланган тартибда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси”га беминнат ўтказиб берилсин.

4. Ўзбекистон тумани “Пахтакайнар ММПП” худудидаги 10,0 га ер майдони “Ўзбекистон тумани ёшлар кичик саноат зонаси”ни ташкил этилиши ва белгиланган тартибда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси”га беминнат ўтказиб берилиши муносабати билан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш туман Кадастр агентлигининг туман бўлими бошлиғи (А.Ражабов) га, солиқ тўловларини ҳисоблаш туман ДСИ бошлиғи (Ж.Қўчқоров)га, давлат рестрига белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш статистика бўлим бошлиғи (О.Абдуллаев) га ва Давлат хизматлари маркази раҳбари (М.Джўраев)ларга юклатилсин;

5. Мазкур қарор манфаатдор томонларга маълум қилинсин;

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Сатторов зиасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



К.Джўраев